



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2019-yil 31-iyul, chorshanba * № 21-22 (1135) * 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

ШУ ЗАМИН ФАРЗАНДЛАРИ



“Peng Sheng”ning ishleri baravaj! Masalan, mazkur kushma korxonasi tashkil etilgan paytlar uning yaltiroq sopol qoplama (kafel) ishlab chiqarish quvvati yiliga 4 mln.kv.metr ga teng deb topilgan bulsa, bugungi kunda ushu kursatkich 10 mln.kv. metr ga etgan. ➔ 2-бет



ФИДОЙИ ИНСОН

Мирзақадим ака, у ёқда-бу ёқда эмас, айни Фарҳод ГЭСга яқин қишлоқда, Тошкент — Андижон темир йўли бўйида 1953 йилда туғилган экан... Ахир, қаҳрамонлар эртатка ўхшаган жойларда дунёга келадилар-да... ➔ 5-бет



Одил ЁҚУБОВ:

“ИЖОДКОРНИНГ ЎЗИ ҲАЛОЛ, ИМОНЛИ БЎЛИШИ КЕРАК”

Айрим ижодкорларга ўхшаб таржимаи ҳолимини бўяб-беяб, қизил тўнга ўраганим йўқ. Адолат туйғуси нимани кўнглимга солган бўлса, шунга ёзим. ➔ 10-бет

7 кун ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

Ўзбекистон Президентининг Беларусга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг тақлифига биноан 2019 йил 31 июль — 1 август кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Минск шаҳрида олий даражадаги Ўзбекистон — Беларус мулоқотининг давоми сифатида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларини, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

Президентлар Ўзбекистон миллий sanoat кўргазмаси ва Беларус юқори технологиялар парки билан танишадилар.

Музокаралар якунида Президентларнинг Қўшма баёноти имзоланиши ҳамда Ўзбекистон — Беларус кўп қиррали шериклигини, жумладан, инвестициялар, ишлаб чиқариш, илмий-техник кооперация соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри aloqalar ўрнатишга мустаҳкам асос яратадиган салмоқли ҳужжатлар тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

ЎзА

“Ҳарбий-тиббий эстафета”

Мамлакатимиз биринчи марта ўз ҳудудида бутун жаҳон бўйлаб оммалашиб бораётган Халқаро армия ўйинларини ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда.

Жиззах вилоятидаги “Фориш” тоғ полигоши “АрМИ-2019” доирасида ўтказилган “Ҳарбий-тиббий эстафета” мусобақаси иштирокчиларини кутиб олади. Ушбу мусобақани ўтказиш учун яратилган замонавий ва қулай шарт-шароитлардан ташқари полигонда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари диққатга сазовор кўргазмалари билан йиғилган. 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри мамлакатимиз меҳмонларига миллий анъана ва удумлари, асрлар давомида сақланган келинаётган тарихий меросларимизни намойиш қилмоқда.

V Халқаро армия ўйинларининг «Ҳарбий-тиббий эстафета» танловининг очилиш маросими 4 август куни бўлиб ўтади.

Янги ўқув йилида — 224 ўқувчи ўрни

Президентимизнинг жорий йил 15 июлда узлуксиз профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш масаласига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги топшириғига кўра, республикада мавжуд 1469 касб-хунар коллежининг 383 биноси мактабларга берилди. Натижанда 2019-2020 ўқув йилида 224 мингдан ортиқ қўшимча қулай шароитга эга ўқувчи ўрни яратилади.

Айни пайтда коллежаларни мактабларга айлантиришни самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бошчилигида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими масъулигида республикаимизнинг ҳар бир ҳудудида ишчи гуруҳлари фаолият олиб бормоқда.

Тўйга тўёна — китоб

Самарқандда бўлиб ўтган суннат тўйида бир оиладаги ака-укалар тўрт нафар болажонларнинг суннат тўйини ўтказишди.

Уларнинг бобоси тўйболаларга китоблар жамланмасини совға қилди. Китоблар орасида «Сариқ девни миниб», «Шум бола», «Ҳаётга муҳаббат», «Баҳор қайтмайди», «Ўткан кунлар» сингари сара асарлар бор. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тўй ниҳоялаб қолганида тўйга ташриф буюрган ҳар бир меҳмонга ҳам биттадан китоб совға қилинди.

Ибрат олса арзиғулик воқеа, шундай эмасми? **Холида ФАЙЗИЕВА.**



Таълим

335 мингдан зиёди сиртки таълим шаклига ҳужжат топширган.

Тест синовлариға ҳар йилгида жиддий тайёргарлик қўрилди. Имтиҳон ўтказиладиган ҳудудларга кузатув камералари ўрнатилди. Ота-оналар фарзандининг тест синовини “онлайн” кузатиши учун кутиш жойларида катта мониторлар ўрнатилди.

Жорий йилги абитуриентлар учун саволлар анча соддалаштирилган ҳамда 2-босқичли экспертизадан ўтказилган. Имтиҳонларнинг адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида малакали назоратчилар жалб этилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда тест ўтадиган биноларда видеокузатув камераси, мобиль aloqalarини тўсувчи қурилмалар тайёрлаб ўрнатди.

— Тест имтиҳонлари дастлаб Сурхондарё вилоятида 8 август куни якунланади. Сўнг Тошкент шаҳри, Наманган, Сирдарё вилоятларида 10 август, Қашқар вилоятида 11 август, Фарғона, Жиззах ва Навоий вилоятларида 12 август, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида 13 август, Бухоро вилоятида 14 август куни кириш имтиҳонлари якунига етади.

— дейди Давлат тест маркази раҳбари Мажд Каримов. — Эндилкида абитуриентлар ДТМнинг “dtm.uz” расмий веб-сайтидан рухсатномаларини олиш имконига эга. Абитуриентлар белгиланган кунга қадар рухсатномасини олса, имтиҳонга муаммосиз киритилади. Тест имтиҳонлариға кечиккан абитуриентларға ҳам имкон бериш бўйича Давлат қабул комиссиясига тақлиф берганмиз.

Умуман, тест имтиҳонларида барча учун бир хил шароитни таъминлаш, жараённинг очик, шаффоф ва адолатли ўтиши учун барча шароит яратилган.

Феруза РАҲИМОВА.

Абитуриентлар учун ҳаяжонли кунлар

Хабарингиз бор, бу йилги тест имтиҳонларида ўзгаришлар, янгиликлар кўп. Имтиҳонлар анъанавий тарзда 1-августдан эмас, балки 29 июлдан бошланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат бюртмаси параметрлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларига давлат бюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари бакалаврлар тайёрлаш бўйича кундузги таълим шаклига — 80 430 нафар, сиртки таълим шаклига — 19 985 нафар, кечки таълим шаклига — 1 985 нафар, магистрлар тайёрлаш бўйича эса — 7 695 нафар этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотига кўра, мамлакатимиз бўйича жами 60 олий таълим муассасаси ва уларнинг 30 филиалига кириш учун жорий йилда 1 миллион 66 минг 925 абитуриент рўйхатдан ўтган. Уларнинг 718 минг 97 нафари кундузги таълим шаклига, 13 минг 821 нафари кечки таълим шаклига,

Бугуннинг гапи

“Қоч, ҳоқим муовини келаяпти...”

Халқимиз қушнинг ҳам уяси бузилмасин дейди. Қаранг-а, нечоғлик пурмаёно гап. Ахир, ҳамма ҳам тинч-тотув, осуда, бахтли яшашни истаиди. Аввало ўзи яшаётган хонадоннинг тинч, фаровон, файзи учун ҳаракат қилади. Бу табиий, албатта.

Ҳар бир хонадонки бир, бир неча оила демакдир. Чунки бир уй ёки битта квартирада икки-учталаб оила жамул-жам бўлиб яшаётганлар кам эмас. Оиланинг тинчлиги, мулк дахлсизлиги ҳуқуқи эса давлатимиз, қонуларимиз томонидан қафолатлаб қўйилган.



Афсуски, сўнги пайтларда (аслида бу ҳолат авваллари ҳам, яъни бундан 10-15 йил олдинлари ҳам бўлган), интернет ва ижтимоий тармоқларни ларзага солаётган, ҳатто халқаро миқёсда катта шов-шувларга сабаб бўлаётган му-

аммо — аҳоли турар-жойлари, тадбиркорларнинг кўчмас мулклари мавжуд қонун-қоидаларга амал қилинмасдан мулкдорлик ҳуқуқи кўр-кўрона оёқ-ости қилинаётганидан юзага келмоқда.

3 ➔

Нуқтаи назар

Ҳар қандай илгариланма ҳаракат тез-тез ортига боқиб, ўзини тафтиш қилиб туриши қонуний ҳолат. Бусиз изчил тараққиёт таъминланмайди. Мамлакатимизда кечаятган жараёнларга шу миқёсдан қараганимизда, жамиятда ижтимоий фикрнинг шакллантиришининг асосий минбари бўлган матбуот ҳам ривожланиш босқичларида ўзини-ўзи “тафтиш” қилиб боради.

Ўзлигини излаётган ўзбек матбуоти

замон билан ҳамнафас ривожланишга куч топа оладими?

Матбуот миллий маданиятимизга нисбатан “ёш” соҳа. Урта Осиёда дастлабки тарқатма босма нашрлар пайдо бўлгандан бери бу маданият тури тугал шаклланишга улгурмай, турли сиёсий вазифаларни бажаришга мажбур бўлди. Ҳали “суяги қотиб” улгурмаган вужуд турли ўзгаришларга дуч бўлиб, қоршиқ бир қиёфа касб этди. Қисқаси, ўзи ичдан пишиб етилган, ўзгармас тамойиллар ва олтин қоидаларга эга бўлиши лозим бўлган соҳа тинимсиз янгилинилар жараёнини бошдан кечириб келмоқда.

Мутараққий мамлакатлар тажрибаси шунга кўрсатмоқдаки, борлиқни тафак-



кур бошқараётган дунёда шубҳасиз фикр минбарисиз, жамиятнинг лоқомоти бўлган ижтимоий фикр фабрикасининг кун кўриш мумкин эмас. Барча хулосалар мамлакатга кучли, энг замонавий даражадаги матбуот кераклигини тасдиқлаб турибди.

4 ➔

Мулоҳаза

Жамият тараққиётига салбий таъсир қилувчи энг хавфли иллатлардан бири коррупция, яъни порахўрлик, таъмагирликдир. Тасаввур қилинг, сиз фарзандингизни умид қўлига топширган, устоз деб ҳурмат қилган инсон ноҳалол одам бўлса...

Адолат тамойили таъминланса...

Шундай бўлди ҳам. Неча йиллар давомида нафақат таълим-тарбия тизими ўз йўналишини йўқотди, балки ҳалоллик, адолат тамойилидан четда бўлди. Биринчидан, ўрта таълим ёшларнинг мустақам таълим-тарбия олишида асосий пойдевор вазифасини ўташи узоқ йиллар давомида ўз исботини топган. Аммо тизимда эҳтимовли, яъни ниҳат билан 10-11 йиллик таълим бекор қилиниб, 9 йилликка ўтказилди.



Сабаби... сабабини ҳамма билади: олий ўқув даргоҳига қабул қил-қизил коррупцияга айланган эди. Шу сабабли, аксарият ҳолларда билимлар эмас, "махсус рўйхат"ларга тушадиганлар тест синонвларидан "муваффақиятли" ўтишар эди.

ли дорилфунунларга бюджет асосида ўқишга қабул қилинган! Олқишга муносиб! Ҳаммаси учун бугунги адолатли жамият йўлида ҳаракат қилаётган давлатимиз раҳбарига эл-юрт ташаққурининг чеки йўқ. Ҳўш, демак, бугун таълимда, хусусан, олий таълим соҳасида муаммолар тўлиғича бартараф этилдими? Агар шундай деб ўйласак, албатта, бу хато бўлади.

чиларнинг ёшларга таълим-тарбия бериш масаласи кўндаланг турибди. Бугун ҳар бир олий таълим даргоҳи ўқитувчиси, у профессорими, фан докторими ё оддий ўқитувчиси, барибир, давр талаби даражасида фикрлаши, виждонан ҳалол меҳнат қилиши керак.

Бош прокуратурада брифинг бўлиб ўтди 30 июль кўни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

Advertisement for the 'BOsh PROKURATURA MATBUOT XIZMATI' (Head Prosecutor's Office Public Relations Service), including a photo of a press conference and a form for subscription.

Тошкент тиббиёт академияси учун 25.000 АҚШ доллари

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Қашқадарё вилояти, Яқкабоғ тумани, Нов қишлоқ врачлик пункти шифокори А.Қ. Ғафуров И.А.ни танишлари орқали Тошкент тиббиёт академиясига ўқишга кириштириб қўйиш эъзазига Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шифокорлар кўчасида фирибгарлик йўли билан 25.000 АҚШ долларини олаётган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Хотира

Одатда, инсон ҳаётида ўтаётган ҳар бир кун ўзига хос, бемисл таассурот қолдиради, иборали қилиб айтганда, ортда қолган, ўтган кун тарихга айланади. Таъбир жоиз бўлса, ўтган ҳар бир лаҳза ўтмишдир ва ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Дилда яшар экан ўтганлар ёди...

Бугунги кун, тўғрироғи, шиддат билан кечаётган ҳар бир кунимизда янги, бири-биридан ҳам муҳимроқ воқеаларнинг гувоҳи бўламиз, яқиндагина рўй берган кейинги янгиликлардан воқиф бўлишга улгуролмай қолган вақтларимиз ҳам бўлади. Ҳа, вақт ана шундай шовқин тарзда ўтаверади, афсуски, юқорида айтганимиздек, уни асло ортга қайтариб бўлмайди.

турди. Бунинг учун одамда қанчалик кучли ирода, метин сабр-бардош бўлиши керак! Дарҳақиқат, қирғинбарот урушлар туфайли оналар чеккан дарду алам олдида ер ларзага келса, асло ажабланмаслик мумкин.

Ўзбек халқи урушининг дастлабки йилларида Россия, Украина, Беларусия, Молдавия ҳамда Болтиқбўйи республикаларидан кўчириб келтирилган бир миллиондан кўпроқ кишини, шу жумладан, 200 мингдан кўпроқ етим болани ўз бағрига олди.

маънода, мамлакатимиз мустақиллигидан кейин шаклланди. Ватанпарварликдек муҳим, долзарб мавзу республикамиз матбуот ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Хусусан, "Ватанпарвар", "Пост-да" газеталари саҳифаларида ёшларни ватанини жон-дилдан ёшларни кўз қорачиғидек асраш, химоя қилишга бағишланган турли жанрлардаги материаллар босилиб турибдики, булар ўз ўқувчиларини бефарқ қолдирмапти, албатта.



Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида Зулфия ая Зокирова исми бир мўътабар онахон яшаб ўтганлар. Том маънода бу буюқ инсоннинг жасоратини таърифлашга сўз ожиз. Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этган. Зулфия ая беш ўғил ва бир қизини тарбиялаб вояга етказганлар.

ни ишга солишга, фронтга жўнаб кетганларини она-Ватанини кўрагини тугиб химоя қилишга ундайдиган ижод намуналарини яратдилар. Гафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Фулом, Иззат Султон каби ижодкорларнинг шеър, ҳикоя, публицистикалари газеталарда босилди, радио орқали эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

Этиборлиси, айна вақтларда бевосита ватанпарварлик мавзусида қалам тибтаётган журналист, шоир ва адиблар ҳам ўз асарлари билан ўқувчиларнинг кўнглини хушнуд этишга ҳаракат қилишяпти. Масалан, Куролли қулар фахрийси Искандар Раҳмоннинг ватанпарварлик мавзусида ёзилган бир неча китоблари ўқувчилар эътиборига бўлиб келмоқда.

Юсуфжон ҲАМДАМОВ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети доценти.

► Навоий вилоят прокуратураси диққатига!

Бозорлар ҳар бир кишининг кундалик эҳтиёжи учун зарур объектлардир. Бугун уларнинг қиёфаси ўзгартирилиб, янада обод ва кўркем бўлиши учун эътибор қаратиляпти. Ўзгача файз кирган савдо нуқталари нафақат юртимиз аҳолиси, балки четдан келган меҳмонларда ҳам яхши таассурот қолдирмоқда.

Аммо таъбни хира қиладиган ҳолатлар ҳам борки, уларни ўзгартириш осон кечмаётир. Баъзи савдо нуқталаридаги тартибсизликка кўз юмиш мумкин эмас. Сотувчиларнинг савдо қоидаларига амал қилмаслиги, айниқса, озиқ-овқат дўконларидаги масъулиятсизликни ҳеч нима билан оқдаб бўлмайди. Бундай ҳолатлар, ҳатто вилоят марказидаги айрим савдо нуқталарида ҳам учрайди.

Ким назорат қилади?

Токи аҳоли саломатлиги хатарда қолмасин

Айни кунда "Саховат" масъулияти чекланган жамиятига қарашли "Марказий деҳқон бозори"да 440 дан ортиқ ҳўжалик юритувчи субъект мавжуд. Демак, бозорда фаолият юритаётган шунча фуқаро қайсидир маънода аҳоли саломатлиги учун масъул. Чунки инсон организмнинг мустақамлиги у истеъмол қиладиган маҳсулотларга бевосита боғлиқ. Аммо соҳа вакиллари бунга қанчалик эътибор қаратишяпти?

Бозорга қарашли 188-шоҳобчадан 194-дўконгача барчаси озиқ-овқат сотишга мўлжалланган. Харидорнинг қўлигидан сотувчи билан гаплашишга арағнинг имкон топасиз. Қўли-қўлига тегмай савдо қиладиган сотувчиларни ёғ, қуруқ чой, ширинликлар офтобнинг тигида, чангага тобиб, таркиби инфекция билан "бойиб" бораётгани асло қизиқтираётгани йўқ. Акс ҳолда уларни махсус, оғзи ёпиқ қутида, салкин жойда сақлаган бўларди. Кўпгина дўконларда озиқ-овқат маҳсулотлари усти очик ҳолда кўчада "жизганак бўлиб", харидорини "кутмоқда". Дўкон ёнидан шошиб ўтиб-қайтаётган харидорларнинг оёғи остидан чиқаётган чангининг маҳсулотлар сифатига қанчалик салбий таъсир қилишини тасаввур қилаверинг.

Озгина юриб, ёғда қовурилган сомса ва пишirilган товуқ маҳсулотлари очик ҳолда сотиладиганини кўрасиз. Ахир ҳавода учиб юрган қанчалаб ҳашаротларга бу тайёр маҳсулотлар "текин" емак бўлмаётими? Белгиланган меъёрга кўра, бундай таомлар ичкарида ёки ёпиқ сақланган ҳолда сотилиши керак эмасми? Сотувчиларга бу ҳақда гапирсангиз, "Хали биздан маҳсулот олган бирор-та харидор касал бўлиб, шикоят қилмади", дейди. Аммо, минг афсуски, кўза кунда эмас, кунда синмаслиги, ўша ҳашаротларнинг тайёр маҳсулотлар орқали хўранда организмга қанчалаб зарарли инфекция ташмаслиги кафолатланмаган.

"Навоий савдо комплекси" олдидаги йўлакда сарийёғ ва қуялтирилган сут маҳсулотлари ҳеч қандай сертификатларсиз, усти очик ҳолда сотиляпти. Сал нарироқда эса тоғораларда уюм қилиб қўйилган сомсаларга кўзингиз тушади. Санитария-гигиена меъёрларига жавоб бермайдиган



бундай ҳолатлар бозорнинг ташқи кўринишига ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани бир қарашда маълум. Сўрасангиз, тегишли мутасаддилар келиб, бундай савдо турининг ноқонунийлигини неча бор таъкидлаганини, аммо бунга шартномадан сўнг қиладиган "кириешки", "чипс", "кукуруз" каби маҳсулотларни дўкон эшигига олиб қўйишган.

— Нега йилдан бери аҳоли шу, — дейди харидорлардан бири И.Хўжаев. — Маҳсулотларни йўлаккача чиқариб ташлашади. Баъзида оёқ тагида маҳсулот қўлигидан дўконнинг ичкарига киролмайсан. Ахир, бозорда ҳам тартиб бўлиши керак-ку!

— Неварам хоҳлаган ширинлик битта дўконда бор экан, — дейди ўзини М.Тўраева деб таништирган яна бир харидор. — Аммо ташқарида, иссиқда қолиб кетган экан. Сотувчи ичкаридан бошқасини олиб беринг десам, ёқмас, бошқа дўконга боринг, ичкарида йўқ, деб қўполлик қилди. Ширинликдан кўра соғлиқ муҳим деб, олмай кўя қолдим.

"НАВОИЙ САВДО КОМПЛЕКСИ" ОЛДИДАГИ ЙЎЛАКДА САРИЙЁҒ ВА ҚУЯЛТИРИЛГАН СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲЕЧ ҚАНДАЙ СЕРТИФИКАТЛАРСИЗ, УСТИ ОЧИҚ ҲОЛДА СОТИЛЯПТИ. САЛ НАРИРОҚДА ЭСА ТОҒОРАЛАРДА УЮМ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛГАН СОМСАЛАРГА КЎЗИНГИЗ ТУШАДИ. САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА МЕЪЁРЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИГАН БУНДАЙ ҲОЛАТЛАР БОЗОРНИНГ ТАШҚИ КЎРИНИШИГА ҲАМ САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАЁТГАНИ БИР ҚАРАШДА МАЪЛУМ.

Ҳа, шу кунларда ҳаво ҳарорати кўтарилгани боис, маҳсулотлар сифатини сақлаш анча мушкул. Баъзи сотувчилар учун эса бу унча муҳим эмас кўринади. Асосан, болалар истеъмол қиладиган "кириешки", "чипс", "кукуруз" каби маҳсулотларни дўкон эшигига олиб қўйишган.

— Фақат айнамайдиган маҳсулотларнигина дўкон ташқарисига чиқариб, реклама сифатида қўйишга рухсат берилган. Бу ҳақда ҳар битта сотувчи билан махсус шартнома тузилган, — дейди "Саховат" МЧЖ раиси вазифининг вақтинча бажарувчи Б.Ниёзов. — Лекин баъзи сотувчилар шартномада кўрсатилган меъёр-

ларга амал қилишмайди. Белгиланган жойдан чиқиб кетади, тақиқланган озиқ-овқатларни офтобга қўйишади. Гапирсанг, тadbиркорман, чора кўролмайсан, дейди. Ҳар битта ҳудудга вакил бириктирилган. Улар мунтазам равишда тарғибот ишларини олиб бориб, сотувчиларга бериладиган имкониятлар билан бирга мажбуриятларини ҳам тушунтиришяпти. Аммо натижани кўриб турибсиз...

Дарвоқе, тadbиркор ва ишбилармонга қўлаб имкониятлар яратилди, қанча имтиёзлар берилди. Бир сўз билан айтганда, улар халқни бой қилиш йўлидаги энг ишончли вакилга айланди. Ҳатто тadbиркорга қўплар ҳавас қила бошлади. Бироқ бундан ҳаволашиш ёки билдирилган ишончни "курол" қилиш эмас, аксинча, масъулиятни ошириш, халқ манфаатини устуң қўйиш талаби ҳам борлигини унутмаслик лозим эди-ку!

Ёз мавсумида кўчаларда ўрик шарбати, морс, квас, айрон сингари чанқовбосди ичимликлар ва музқаймоқларнинг бозори чаққон. Лекин улар қандай шароитда тайёрланиши кўпчилигимизга маълум эмас. Бозор атрофида ушбу маҳсулотларнинг санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган ҳолда сотиладигани ҳам гувоҳ бўлдим. Музқаймоқнинг печеньели идишчалари куннинг иссиғида усти очик ҳолда сақланыпти. Сотувчига бу ҳақда айтганимиздан сўнг устини дока билан ёпиб қўйди. Ҳудуддаги аксар музқаймоқ сотувчиларда худди шу аҳвол. Баъзиларига, ҳатто айтиб ҳам тушунтиришнинг имкони бўлмади. Ҳўш, бунга қандай тушуниш мумкин? Бозорнинг санитария-гигиена ҳолати учун ҳамма бирдек жавобгар эмасми?

— Тайёрланиш жараёнида маҳсулотга битта инфекция тушса бўлди, иссиқда жуда тез кўпаяди ва яроқсиз холга келади, — дейди Навоий шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош шифокори Х. Бўтаев. — Биз ваколатимиз доирасида маҳсулотларнинг сақланиш жараёнига эътиборли бўлишни сотувчиларга тушунтирамиз. Баъзан фойдаси бўлмайди. Яқин кунларда қонун доирасида соҳа ходимларининг озиқ-овқат маҳсулотларига жавобгарлиги ва ваколати ошиши кутиляпти. Шундан сўнг санитария қоидаларига амал қилмаган тadbиркорга таъсирчан чора қўллаш имкони бўлади.

Наҳотки, хозирча бозорда тартиб ўрнатишга ҳеч кимнинг кучи етмаса? Демак, аҳоли офтобда қўлиб, фойдали хусусиятларини йўқотган маҳсулот харид қилишга мажбур экан-да.

Муаммони топиш, айтиш осон. Уни бартараф этиш, олдини олиш бўйича ўтказилаётган, лекин негадир фойдаси сезилмаётган тарғибот ишларининг таъсирчанлигини янада оширишда биз журналистлар ҳамкорликка тайёрмиз. Зеро, сифат, тозаллик, ободлик ва тартиб-интизом бўлсагина бозорларимиз файзга файз қўйиладиган. Муҳими, халқимиз саломатлиги хатарда қолмайди.

Зебо ҚУТЛИЕВА
Навоий вилояти.

► Жаҳонда нима гап?

Москвада норозилик намоиши

Айни кунларда кўпчиликнинг эътибори Россияга қаратилган. Чунки 27 июль, шанба куни Москвада бўлган норозилик акциялари диққатни тортди.



Минглаб одамлар Москва давлат думаси учун сайловларда мустақил номзодлардан ҳеч ким ўз номзодини илгари сура олмаганидан норози. Полиция намоиш ташкилотчилардан Иван Жданов, Дмитрий Гудков ва Юлия Галаминани қўлга олган. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, улар орасида номзоди қабул қилинмаган мухолифатчи Илья Яшин, бир

қатор журналистлар ва шунчаки кўчадан ўтиб кетаётган одамлар ҳам бор.

Росгвардия ва полиция минглаб одамларни қўлга олган, яна юзлаб одамлар турли-ҳил жароҳатланган. Қаттиқ қаршиликка қарамай, пойтахт кўчаларида намоишлар давом этмоқда. Улар «Мен ўз номзодимни танлашга ҳақиман», «Россия озод бўлади» дея қичқирмоқда.

Қамоқхонадаги можаро



"Korrespondent.net" хабарига қараганда, Бразилиянинг Альтамира шаҳридаги қамоқхонада юз берган можаро оқибатида 52 киши ҳалок бўлган. Уларнинг барчаси маҳбуслар.

Маълум бўлишича, нонушта пайти қамоқхонадаги икки рақобатчи гуруҳ ўртасида бошланган тортишув оммавий муштлашувга айланиб кетган. Оқибатда маҳбуслар қамоқхонанинг икки ходимини асир олишган, лекин кейинроқ уларни қўйиб юборганлар. Можаро 5 соатга яқин давом этгани билдирилмоқда.

Афғонистон АҚШ ҳарбийларидан озод бўлади...ми?

Маълумки, АҚШ ҳарбий хизматчилари 2001 йилнинг октябридан буён Афғонистонда. Хабарларга кўра, бу ерда 14 мингга яқин америкалик аскар ва зобитлар бор.



Дональд Трамп 2020 йилнинг ноябрида ўтказиладиган президентлик сайловларига қадар америкалик ҳарбийларни Афғонистондан олиб чиқиб кетиш ниятида. АҚШ давлат котиби Майкл Помпеонинг сўзларига қараганда, Трамп охири йўқ урушни тўхлатиш ва қўшилларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатма берган.

Вашингтон Афғонистонда тинчликни таъминлаш йўлида 2018 йилнинг июлидан бери «Толибон» радикал афғон ҳаракатининг юқори ваколатли вакиллари билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказмоқда. Музокараларнинг асосий мавзуси — хорижлик ҳарбийларни мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетиш ва Афғонистоннинг террорчилик гуруҳлари учун бандаргоҳга айланиб қолмаслигини таъминлаш. Июль ойининг бошида Толибон АҚШ билан қатор масалаларда келишувга эришган эди.

Ютуқ бору, унинг "эгаси" йўқ...



"Lotto Max" Канаданин миллий лотереяси. 2018 йилнинг октябрь ойидаёқ бош соврин — 60 миллион (\$ша вақтда 45,7 миллион) Канада долларини ютиб олган

шахс негадир ҳали ҳам ютуқ пулини олиб кетмаган. Миллий лотерея қоидаларига кўра, пулни олиш учун 12 ой давомида ташкилотчиларга ютуқли чиптани кўрсатиш лозим. «ТАСС»нинг маълум қилишича, чипта Эдмонтон шаҳрида сотиб олинган. Ташкилотчилар яқин 3 ой ичида ютуқли чипта эгаси топилишига умид билдирган, акс ҳолда у бекор қилинади.

Чивинлар тарқатадиган хавfli вирус

Ўтган ҳафта Флорида штатининг соғлиқни сақлаш департаменти мия шишишига олиб келадиган ва ҳар уч ҳолатнинг бирида ўлим билан яқунланадиган «Шарқий от энцефалити вирусини» аниқлаган.



"Оринж округи туманларида чивинлар орқали тарқатилган мазкур вирус билан зарарланган инсонлар сони ортиб бормоқда", дейилади департамент хабарида. Касалликлар назорати ва профилактикаси марказининг маълум қилишича, мазкур касаллик 30 фоиз ҳолдада ўлим билан яқунланади. 50 ёшдан катталар ва 15 ёшдан кичикларнинг ушбу вирус билан

зарарланиш хавфи юқори. Чивин қаққанидан кейин 4-10 кун ичида зарарланган инсон юқори тана ҳароратидан, бош оғриғи, қалтираш ва диареядан азоб чекади. Флоридалик амалдорлар штат аҳолисига чивинларни ўзига жалб қиладиган буюмлардан тезда қутулишни ва танани доим кийим билан ёпиб юришни тавсия қилмоқда.

► Божхона хабарлари

Тошкент вилояти божхона бошқармаси "Навоий" чегара божхона пости ходимлари томонидан ана шундай ҳолатлар фош қилинди.

Яширинча олиб ўтмоқчи бўлишганида...



Шунингдек, "Фишткўприк" чегара божхона пости ходимлари томонидан ҳам заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилиши фош қилинди. Ушбу постга пиёда кириб келган фуқаро Е.К. шахсий кўриқдан ўтказилганида, эғнидаги кийимлари орасига яшириб олган, умумий қиймати 25,8 миллион сўмлик оғирлиги 86 грамм бўлган сарик рангли металдан ясалган 17 дона зирақлар, 3 дона узуклар, 2 дона кулон, 1 дона билгаузук ва 5 дона занжир каби заргарлик буюмларини қўшни давлатдан яшириб олиб келаётгани аниқланди.


Давлат божхона қўмитаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси томонидан Яшнобод туманида тезкор тadbир ўтказилди.

100 миллион сўмлик телевизорлар

Тadbир давомида фуқаролар И.А. ва И.М. бошқарувида бўлган "Changan" русумли автоулов белгиланган тартибда тўхтатилиб, ҳолислар иштирокида текширилди. Натижада автомашина юқонасида тегишли ҳужжатлари бўлмаган умумий қиймати 100 миллион сўмдан ортиқни ташкил этувчи 75 дона телевизорлар борлиги аниқланди.



Хозирда юқоридаги ҳолат юзасидан ҳам тегишли божхона суриштирувлари олиб борилмоқда.



Каптивда 220 миллион сўмлик телефон

Фарғона вилояти божхона бошқармаси контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари Давлат хавфсизлик хизмати вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тadbир давомида қонунбузарнинг "уддабуронлиги"га чек қўйишди. "Марғилон — Тошкент" йўналишида ҳаракатланаётган фуқаро Х.Ш. бошқарувидаги "Каптив" русумли автомашина тўхтатилиб, белгиланган тартибда ҳолислар иштирокида текширилди. Натижада автомашина салони ва юқонасида фуқаро К.А. томонидан қайта сотиш мақсадида олиб кетиладиган, тегишли ҳужжатлари бўлмаган умумий қиймати 220 миллион сўмлик 190 дона уяли алоқа воситалари борлиги маълум бўлди. Хозирда мазкур ҳолат юзасидан текширув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати.

Интернет материаллари асосида Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

Олисдаги юртдошларимиз

АҚШ пойтахтидан унча узоқ бўлмаган Виржиния штати Уолтер Рид кўчасида муъжазгина болалар боғчаси мавжуд. Ўзбекистонлик ўқитувчи Наргиза Курязова томонидан очилган бу болалар муассасасига фарзандларини олиб келишни истаган ота-оналар талайгина. Наргиза билан унинг АҚШга келиб қолиши сабаблари, хусусий боғча очиб жараёнлари, ҳар икки давлат таълим тизимидаги ўзига хос жиҳатлари ҳақида суҳбатлашдик.

Ўзбекистонлик ўқитувчи АҚШда боғча очди

— Наргиза, ўзингиз ҳақингизда бироз маълумот берсангиз...

— Мен асли Хоразм вилояти Гурлан туманиданман. АҚШга келгунга қадар туманимиздаги ихтисослашган musiқа мактабида фортепиано йўналишида ўқиганман. Ўқишни битиргач, musiқа ўқитувчиси дипломи билан туманимиздаги ўрта мактабда икки йил musiқа ўқитувчиси бўлиб ишладим. Хорижий тилларни ўрганиш иштиёқи ҳам юқори бўлгани учун ҳужжатларимни Урганч Давлат университетининг роман-герман филологияси факультетига топширдим ва ўқишга кириш бахтига муяссар бўлдим. Университетни тугатгач, инглиз тили ўқитувчиси сифатида фаолият юритганман.

— АҚШга келиш тарихингиз қандай кечди?

— АҚШга оилавий сабабларга кўра келганман. Келганимга ўн йил бўлди. Мактабда инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлаб юрган кезларимда, онамнинг соғликлари ёмонлашди. Оиладаги тўнғич фарзанд сифатида масъулиятни бўйнимга олиб, онамни даволатгани Россияга олиб бордим. Даволаш курслари узоқ давом этди ва биз Россияда анча вақт қолиб кетдик. Шу пайтарга АҚШдан иш юзасидан Россияга келган бўлажак турмуш ўртоғим билан танишдим. Турмуш ўртоғим ҳам асли Ўзбекистонлик. Мухаббат ришталарини оила билан боғладик. Маълум вақт ичида турмуш ўртоғим билан АҚШга, онам билан укам эса Ўзбекистонга қайтишди. Яширмайман, аввалига АҚШга боргим келмади. Турмуш ўртоғим 20-30 йиллардан бери АҚШда истиқомат қилаётган ўзбек оилаларидан. Бу эса менга ҳам бир умр шу ерда қолиб кетиш дегани эди. Оиламни, Ватанимни ташлаб, бир умрга янги юртларга кўчиб кетиш фикри мени аввалига чўчитди. Лекин вақт ўтиши билан янги шаҳарга ҳам мослашдим. Аммо Ўзбекистонга — она юртимга тез-тез бориб тураман.

— АҚШда хусусий боғча очишининг ўзи бўлмайди,



албатта. Бу гоёни сизга ким берди?

— Инглиз тили филологиясини битирганим, педагог сифатидаги тажрибам қўл келди. Бироз муддат ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. Ишонамга қатнаб ишлаш узоқлик килгани учун, турмуш ўртоғим уйдан боғча очиб таклифини берди. Она бўлиш арафасида юрган мендек аёл учун бу таклиф маъқул келди. Уйда ўтирган ҳолда педагог сифатида фаолиятимни давом эттиришим чиндан ҳам қулай эди. 2014 йилда 12 болага мўлжалланган кичик боғчани ташкил қилдим. АҚШ қонун-қоидаларига кўра, уйда хусусий боғча очсангиз, узоғи билан 12 нафар бола олиштириш мумкин бўлади. Лекин вақт ўтиши билан боғчамизга талабгорлар кўпайди. Шу муносабат билан яқинда уйимиздан сал бериорқда иккинчи яна бир кўшимча боғча очдик. Янги боғчамизда 40 нафар бола бор.

— АҚШда тадбиркорлик фаолиятини юритишга қандай баҳо берасиз?

— Бу ерда тадбиркорлик фаолиятини эркин юритишга тўқсинлик қилувчи ортиқча омилилар йўқ. Фаолиятингизда хато ва камчиликлар бўлса, мутахассислар, энг аввало, ишингизни тўғри йўлга

эса энг аввало уларга ҳар томонлама эркинлик беришдан бошланади. АҚШда, масалан, бола боғчада ухлагиси ёки таомни егиси келмайтими, мактабда бола маълум бир кийимни кийгиси келмайтими, уни мажбурлаш йўқ. Дарс жараёнлари мисолида айтсак, масалан расм дарсида мавзу дарахт чизиш бўлса, Ўзбекистонда ўқитувчилар аввало уни ўзлари чизиб бериб, намуна кўрсатади. АҚШда эса аксинча, бола дарахтни қандай тасаввур этса, шундай чизишига йўл қўйиб берилади.

— Сиз қайси метод асосида таълим берасиз? Ўзбекистондаги каби аънавий йўналишдами ёки АҚШда урф

қўйиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатади.

— Ҳар икки давлатнинг таълим тизими ҳақида-чи, нима дея оласиз? Қандай ўзига хос жиҳатлари мавжуд?

— Биринчи ўринда боғча ва мактабларнинг молиявий жиҳатдан таъминланганлик даражаси яхши. Бу ерда таълим муассасалари ўқув қуроллари, жиҳозлари, адабиётлар билан яхши таъминланган. Келажақда она юртимга қайтиб, Ўзбекистондаги мактабларни қўлдан келганча молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳисса қўиш ниятим бор.

Яна бир ўзига хос жиҳати, таълим-тарбия олиб боришдаги методикасида. Ўзбекистонда, таълим-тарбия бошқа МДХ давлатларидаги каби аънавий метод, яъни қатъий интизомга асосланган маълум бир тартиб қоидалар асосида олиб борилади. Бу ерда эса ўқувчиларга ҳар жиҳатдан эркинлик берилади. АҚШда кўпгина таълим муассасаларида таълим беришнинг кўпроқ фойдаланишлари, умуман янги-янги таълим методларига кўпроқ мурожаат этишлари мақсадга мувофиқ.

— Ўзбекистонда фаолият юритаётган ҳамкасбларингизга нима деган бўлар эдингиз...

— Ўзбекистон ва АҚШ таълим муассасаларида ишлаган, ҳар икки давлатнинг таълим тизимини кўрган педагог-тарбиячи сифатида айтишим мумкинки, юртимиздаги ҳамкасбларимга таълим-тарбия жараёнида ўқитишнинг интерактив фаол усуллари, қизиқарли ўйин ва машқлардан кўпроқ фойдаланишлари, умуман янги-янги таълим методларига кўпроқ мурожаат этишлари мақсадга мувофиқ.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.

АҚШдан "Hurriyat" учун махсус Ойдин САЪДУЛЛАЕВА.


Фикр

Ҳеч эйтибор берганмисиз, катта ёшли отахон ва онахонларимиз ҳар бир гап ва насихатларидан, албатта, халқ мақоли ёки иборасидан фойдаланади. Шунданми, уларнинг айтганлари ёдимиздан кўтарилмайди. Бобом фалон деганди, бувим шундай деганди, деб эслаб юрамиз.

Мақоллар — бебаҳо бойлик

Лекин ҳозирги ёшлар халқимизнинг бой маданияти, айниқса, халқ озғакчи йодоки намуналаридан анча йироқлашиб кетаётгандек. Кўпгина ёшлар ноёб дурдоналаримиздан бири бўлган халқ мақолларидан, ҳатто намуналар айтиб беришолмайди. Бу бизни ташвишга солади. Зеро, асрлар оша сайқаллашиб, ўзида неча-неча аҳдодларимизнинг ҳаётий тажрибамизни муҳасаммаётдан пурмаъно мақол, нақл ва

маталлар бизнинг ақл чиқоқларимизни ёқиб, бугунги ҳаётга теранроқ қарашга, ҳаёт моҳиятини янада чуқуროқ англашга, келажақ сари янада дадил қадам ташлашимизга кўмак беради. Бир қариндошимиз бор. Илоҳи бўлса ҳар бир гапда халқ мақолларидан ишлатади. Ишлатганда ҳам жуда ўринли ишлатади. Шунданми, гап-сўзлари ниҳоятда иччам, чиройли ва ёқимли туолади. Бир куни неваралари тўполон қилиб



қолса: "Бола ширин, одоби ундан ширин", дея танбеҳ бердилар. Шунда бувиси дарвор ўртага тушди: "Маили кўяверинг, болада, болали ўй — бозор, болалиқ — пошшолик" деб ёнини олган бўлди. Халқ мақоллари гапни бойитади, унга ранг беради. Мақолларимиз шунчалик кўпки, улар билан хоҳлаган гапимизни хоҳлаганча безашишимиз мумкин. Ё сўзимизни янада таъсирчан, янада мазмунли қилади.

Ҳар бир нарсанинг яралиш сабаби бор. Шу жумладан, халқ мақолларининг ҳам. Исталган мақолни олгинг, унинг замирида халқимизнинг узоқ йиллик ҳаёт тажрибаси мавжудлигини кўрасиз. "Ёр ҳайда-санг куз ҳайда, куз ҳайда-масанг юз ҳайда". Бу асло бир лаҳза ёки бир-икки йилда чиқариладиган хулоса эмас. Доно халқимиз деҳқончиликдаги узоқ йиллик қузатувлар, тажриба ва хулосаларни ана шу сак-

кизтагина сўзда муҳасаммаёт эта олган. Ҳатто атиги иккита сўздан иборат, лекин ўзида бир олам маъно-мазмунни муҳасаммаёт этган мақолларимиз ҳам бор. Бу эса халқ мақолларининг нечоғлик катта ижод намунаси эканлигидан ёрқин далилат беради.

Афсуски, айрим ёшларнинг айтган гапи маъносиз йўқлиги ёхуд таъсирчан эмаслиги халқ мақолларидан бехабарлиги, улардан ўринли фойдалана олмаслиги натижасидир. Демак, ёшларимиз озғакчи ва ёзма адабиётларимизни кўпроқ ўқиши, ота-боболаримиз меросини янада чуқуროқ ўрганиши ва эгаллаши даркор. Зеро, қари билганини — пари билмас, дейдилар.

Абдували ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Хўлуғур маънавий ҳизмат кўс-ҳўнар коллежи директори.

Огоҳлик

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасидаги ҳаракатлар, аввало, маҳаллаларда кенг жамоатчилик иштирокида ташкил этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги малака ошириш институтини профессор-ўқитувчилари сайёр ўқув машғулотларидан сўнг маҳаллаларда "Менинг маҳалламада жиноят содир бўлмаслиги керак" мавзусида учрашувлар ташкил этмоқда.

Ватан маҳалладан бошланади

— Ана шундай сайёр ўқув йиғинлари ва тарғибот тадбирлари Андижон, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтмоқда, — дейди институт раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор, полковник Нуриддин Норматов. — Мақсадимиз аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, одамларда дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, фуқароларни ўйлантираётган муаммоларнинг ечимини биргаликда ҳал этиш, ёшларга "Менинг маҳалламада жиноят содир бўлмаслиги керак" тушунчасини сингдириш, жиноятларнинг оқибатларини эмас, балки уларнинг сабаб ва унга барҳам беришдан иборат.

Маъзурут институт матбуот хизмати раҳбари Улуғбек Тўймабоевнинг маълум қилишича, шу пайтга қадар Андижон шаҳридаги Форобий номидаги, Асака туманидаги "Чек", Олтинкўл туманидаги "Марказ", Сирдарё туманидаги "Пахтакор", Гулистон шаҳридаги "Тараққиёт", Мирзобод туманидаги "Наврўз" маҳаллаларида ўтказилган маърифий тадбирларда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, унинг барқарорлигига ҳисса қўиш, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш каби мавзулар ҳақида сўз юритилган.

— Маҳалламизда 4900 нафарга яқин фуқаро турли миллат вакиллари аҳил-иноқликда истиқомат қилиб келади, — дейди "Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зафар Бобомуродов. — Ички ишлар органлари ходимларининг

ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадидан жойларда ўтказётган ушбу тарғибот-тушунтириш ишлари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, институт профессор-ўқитувчилари томонидан ҳудудий ички ишлар органлари ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган, ёлғиз кекса авлод вакиллари қўлидан хабар олиняпти.

Жойларда сайёр ўқув йиғинлари ва тарғибот тадбирлари давом этмоқда.

— 83 ёшданам, турли соҳаларда меҳнат қилиб, ҳозир тақдир тақозоси билан бир ўзим яшайман, — дейди Сирдарё тумани "Пахтакор" маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Виталий Тимофеев. — Қўни-қўшинларим барака топшисин, ҳолимдан хабар олиб туришади. Бирок бугунги кун мен учун таассурутларга бой бўлди. Ҳамсоям Полина Сидорова билан шунингдек "Тараққиёт", Мирзобод туманидаги "Наврўз" маҳаллаларида ўтказилган маърифий тадбирларда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, унинг барқарорлигига ҳисса қўиш, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш каби мавзулар ҳақида сўз юритилган.

Уз муҳбиримиз.

Ёш тадбиркорлар

Бир донишманднинг: «Билимнинг ўзи камлик қилади, сиз — уни қўллашингиз керак, хоҳишининг ўзи камлик қилади, сиз — уни амалга оширишингиз керак», — деган ўғити моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, биз ўзимиздаги мавжуд имконият ва иқтидорни янада камол топтириш, уларни амалда қўллаб билиш орқалигига энг баланд марраларни эгаллашимиз мумкин. Бунинг учун эса юртимизда барча шарт-шароит муҳайё.

Имконият ва иқтидор камолоти

Фуркат туманининг Янги қишлоғида истиқомат қилувчи Наргиза Мирзабоева шижоатли кизлардан. Янгилик яратишга бўлган интилиш истеъдод соҳибасини Қўқон тасвирий ва амалий санъат коллежи томон етаклади. 2014 йилда эса тахсил олишни Тошкент тўқимачилик ва енгил санъат институтини «Либос дизайн» йўналишида давом эттирди.

Камсуқум, камгап қизнинг орзу ва мақсадларидан воқиф бўлсангиз, дилингизни беадад ҳавас қамраб олади. Уни дунёга келтирган онасига, сийратини гўзал тарбия билан беадад орасига раҳмат айтгингиз келади.

Авазбек ака-ю Муборак опаларнинг айтишларича, Наргиза болалигидан либос тикишга қизиққан. Ота-онаси эса унинг орауларига қанот бўлишга интилишиди. Буни қарангки, ҳар учовларининг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Наргиза 2014 йилда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган «Юксак маънавиятли авлод» фестивалида «Ўз асаридан миллийликни акс эттирган дизайнер» номинацияси бўйича ғолиб чикди.

2017 йилда пойтахтимизда молалар ҳафталиги доирасида ўтган ёш дизайнерлар кўрик-танловида ҳам мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, диплом ҳамда сертификат соҳибасига айланди. Бундан ташқари, у ҳар йили иқтидорли ёшларни рўёбга чиқаришга қаратилган кўнлаб тадбирларда, танлов ва фестивалларда фаол иштирок этиб, юқори ўринларга муносиб топилмоқда. У «Ёшлар — келажакимиз» жамғармаси орқали 18 миллион сўм миқдорда кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Атрофига тикувчилик соҳасига кизиқадиган қизларни тўплаб, уларни ўз хунарининг сирасорларидан воқиф этмоқда.

— Келажақда «Модалар уйи» очиб, унинг доирасида қизларимиз учун дизайнерлик курслари фаолиятини йўлга қўймоқчиман, — дейди.

Умид қиламизки, Наргиза барпо этакдан маъмура дастлаб Осиеда, бора-бора эса Европада ҳам ўз нуфузига эга бўлади.

Дурдона ҒАФФОРОВА,
журналист,
Фарғона вилояти.

Реклама ҳуқуқи асосида

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан банк-молия тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш, қабул қилинган дастурларнинг тизимли амалга оширилиши банкларнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун кенг имконият очиб бермоқда.

Ўтган йиллар давомида амалга оширилган изчил ва аниқ ислохотлар туфайли "Туронбанк"нинг капиталлашув даражаси сезиларли даражада ошди. Муассасанинг ресурс базаси ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга, инвестицион фаолликни кучайтиришга эришилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга, банк молиявий кўрсаткичларининг барқарор ўсиши таъминланди.

Мижозлар учун қулайлик — бош мақсад

Жорий йилнинг 26 июль куни Миллий матбуот марказида ўтказилган "Мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятининг ривожланиши, электрон хизмат турларининг кўпайиши, электрон банкинг хизматларининг тақомиллашуви масалалари" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида шу сингари бир қатор масалалар хусусида сўз юритилди. "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да "Туронбанк" АТБ томонидан амалга оширилаётган устувор вазифаларга бағишланган тадбирда банк Бош офисининг раҳбар ва ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— "Туронбанк" АТБнинг 2019-2021 йиллар ривожланиш стратегиясида миждозлар учун қулай ва жозибдор хизмат турлари кўламини кенгайтириш устувор вазифалардан бири деб белгиланган, — дейди анжуманда иштирок этган Банк бошқарув раиси ўринбосари А.Рисқулов. — Шу боис, банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга

олган ҳолда муассасамизнинг хизмат кўрсатиш марказлари, мини-банк ҳамда республиканинг барча ҳудудларида 24/7 тизимида фаолият юритувчи "Автоматлаштирилган тўлов марказ"лари тармоғини кенгайтириш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Ҳукуратимиз замонавий ахборот технологияларини жорий этишга эътибор қаратар экан, электрон ҳукумат, электрон давлат хизматлари каби соҳаларнинг жадал ривожланиб бориши ҳар бир ташкилот учун ҳам шу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштириш, режаларни замонавий электрон технологиялар нуктаи-назаридан қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Албатта, бугунги глобаллашув даврини электрон хизматларсиз тасаввур қилиш қийин. Мижозларимиз ҳам ушбу имкониятдан самарали фойдаланишлари учун замонавий хизмат турларини янада яхшилаш, кўпайтиришга ҳаракат қилаямиз. Зеро, биринчи галдаги вазифамиз — миждозлар учун қулайликлар яратишдан иборат.

ИННОВАЦИОН ХИЗМАТ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ХОЛДА ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КўРСАТИШНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА 24/7 ТИЗИМИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ "АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТўЛОВ МАРКАЗ"ЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛИБ, УЛАРДА ЖАМИ 60 ТА МИЛЛИЙ ВАЛЮТА, 28 ТА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ БАНКОМАТЛАР ХАМДА 240 ТА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ КИОСКАЛАР ўРНАТИЛГАН.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 3620-

сонли қароридан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳисоб-китоблар ва тўлов тизимининг фаол иштирокчиси бўлган "Туронбанк" АТБ раҳбарияти ҳам миждозларга кўрсатилаётган электрон хизмат турларини бозор иқтисодиёти реалликларидан, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиққан ҳолда янада кенгайтириш, ривожлантириш ва тақомиллаштириб бориш йўналишида бир қатор ишларни амалга ошириб келяпти. Банк замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва кўламини ошириш, айниқса, масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизимларини янги имкониятлар билан бойитиш, амалда фойдаланилаётган дастурий воситаларни янада тақомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Таъкидланганидек, кейинги нисбатан қисқа муддат мобайнида бир қатор янги технологик ечимларни жорий этиш, замонавий интернет ва мобил технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали юридик шахслар учун яратилган «Корпоратив интернет-банкнинг» ва «Турон-мобайл» каби тизимлар тақомиллаштирилди. Уларга бир қатор қўшимча хизмат турлари қўшилди. Ушбу тизимлар орқали валюта айирбошлаш (конверсия) амалиётларини амалга ошириш юзасидан "OnLine" буюртмалар, корпоратив картчакчаларни керакли ҳажмдаги маблағлар билан тўлдириш, пластик картчакча ҳисобварақларига кирим қилиш учун ўз ходимларининг иш ҳақи реестрини шакллантириб юклаш каби хизматлар жорий этилди.

Бундан ташқари, жисмоний шахслар учун "MyTuron" — масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш тизими қайта дастурланди. Ушбу мобил илова орқали жисмоний шахсларга "OnLine" режимда исталган вақтда конверсия амалиётларини ўтказиш, банк омонатларига маблағлар киритиш, кредитларни сўндириш, коммунал, бюджет, солиқ, алоқа, интернет ва

" "ТУРОНБАНК" АТБ БУГУНГИ КУНДА 20 ТА ФИЛИАЛИ, 39 ТА МИНИ-БАНКИ, 23 ТА ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАСИ, 38 ТА УНИВЕРСАЛ КАССА, 14 ТА ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ ШОХОБЧАСИ ВА 26 ТА КОММУНАЛ ВА МАХСУС КАССАЛАР ОРҚАЛИ 23 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ЮРИДИК ХАМДА 600 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА КЕНГ КўЛАМЛИ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ КўРСАТИБ КЕЛМОҚДА.

бошқа қўллаб хизматлар учун тўловларни ўтказиш имкониятлари яратилган.

Йил бошидан мобил илова орқали банк миждозларига 5 миллион 130 минг АҚШ доллари сотилди ва 1,5 миллиард сўм пул маблағлари миллий валютадаги омонатларга жойлаштирилди. Жорий йил июнь ойида ушбу мобил иловага "HUMO" пластик карталари орқали картадан картага пул маблағларини ўтказиш ҳамда тўловларни амалга ошириш функциялари қўшилди.

Мижозлар учун яна бир қулай тизим бўлган "СМС-банкнинг" хизмати ишлаб турибди. Мазкур тизим орқали жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳисобварақларидаги амалиётлар тўғрисида тезкор маълумот олишлари билан бир вақтда, банкдаги янгиликлар, эълонлар билан ҳам танишиб бориш имкониятига эга.

Ушбу электрон хизмат турларининг "Туронбанк" расмий сайти орқали ишлайдиган "web" талқинлари ҳам яратилган бўлиб, бу ҳам миждозлар учун қулайликдир. Бу тизимларнинг эътиборли томони, уларнинг 24 соат давомида реал вақт режимда фаолият кўрсатиши, узатилаётган ва қабул қилинаётган ахборотларнинг электрон рақамли имзо қилинган ҳолда фойдаланган ҳолда ишончли тарзда ҳимояланганидир.

Қайд этиш лозимки, илғор ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда яратилган "Корпоратив интернет-банкнинг", "Мобил банкинг" ва жисмоний шахслар учун мўлжалланган "MyTuron" мобил иловалари фойдаланувчилари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига бу тизимлар хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 фоизга, йил бошига нисбатан эса 21 фоизга ошгани эса фикримизнинг далилидир.

Замонавий технологияларга асосланган ахборотлаштириш тизимларининг тўлақонли ишлашини таъминлашда маълумотларни қайта ишлаш марказининг қуввати билан бир қаторда алоқа каналларининг маълумотлар узатиш тезлиги ва сифати асосий роль ўйнайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда жорий йилнинг 1-чорагида банкнинг сервер комплексини модернизация қилишга эришилди. Янги сервер қурилмалари ва телекоммуникация воситалари ўрнатилиб, ишга туширилди.

Муассасада хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Мижозларнинг эҳтиёжларини доимий мониторинг қилиб бориш мақсадида филиалларда электрон навбат тизими орқали хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Туронбанк" АТБ томонидан миждозларга тақлиф этилаётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган янги хизмат турлари замирида аҳоли ва банк миждозлари учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсади ётибди.

Анжуманда журналистларнинг рекламалар, аҳоли муурожаатлари билан ишлаш — шикоятлар ва муаммоли кредитлар, автокредитлар, "Ҳар бир оила — тадбиркор" йўналишида ҳамда ёш оилаларга ажратиладиган кредитларга доир саволларига муассаса раҳбар ходимлари жавоб берди.

Холида ФАЙЗИЕВА.



Барқарорлик белгиси!

«Туронбанк» АТБ миллий ва хорижий валюталарда жозибдор шартлардаги муддатли, жамғарма ва онлайн омонат турларини тақлиф этади.



Миллий валютадаги омонатлар **21% гача**

Хорижий валютадаги омонатлар **7% гача**



www.turonbank.uz

turonbank turonbankuz

99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган

► Шер ва шуур


Миллий маънавиятимизнинг сарчашмаси бўлган адабиётимиз ва санъатимизнинг ҳомиysi Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тарихий беш ташаббуси — улугвор беш ғояси ижроси бўйича таъсирчан тадбирлар юртимизнинг ҳамма жойида кенг қўламда ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, Андижон вилоятининг Бўз туманида Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом бошчилигидаги адабий маҳорат ёшлар маркази фаолияти ҳам юқоридаги фикримизга далил бўла олади. Вилоятнинг Бўз, Шаҳрихон, Улугвор ва бошқа туманларидан 40 нафардан зиёд ёш ҳаваскорлар иштирок этаётган мазкур адабий тўғаракнинг иш

бошлаганига 30 йилдан ортиқ вақт ўтди. Ўтган давр ичида бу ердан бугун республика-миз аҳлига таниш бўлган Хумоюн, Муқимжон Қодиров, Ваҳобжон Тоҳиматов, Абдукарим Қувватов, Ёқубжон Мамадалиев, Раҳмон Али (Мухлисий), Нурхон, Раъно, Гулшод, Муҳаммад Сиддиқ каби ўнлаб иқтидорли шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди.

Бу адабий таъриба маркази бугунги кунда ўз фаолиятини янада мазмунли олиб боришга интилоқда. Қуйида ана шу ёшлар адабий анжуманининг фаол қатнашчиси, Ёш шоир Саид Камол ижодидан намуналар эълон қилинди.

ТАХРИРИЯТ.



ОҚ ЙЎЛ!

Саид Камол, шерларнинг менда яхши таассурот уйғотди. Меҳнат ва захмат билан улғайиб, яхши шоир бўлиб етишсанг, ажаб эмас. Айниқса, Навоий ва Бобур ижодида меҳр қўйиб, улуг зотлар шерларини чуқур англаб, ёддан айтиб юришларинг ёш ижодкор учун тахсинга лойиқ иш.

Чўлпон, Усмон Носир, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф шерий оламга кириб бораётганинг ҳам ажойиб, аммо хар бир шоирнинг ўз йўли, услуби бўлиши лозим. Асло шуни унутма ва ҳамаша ёдда тут. Сен хали ўқувчисан, энди 17 ёшга тўлдинг. Аммо Абдулхамид Чўлпон 16 ёшидаёқ “Адабиёт надур?” деган мақоласи билан янги адабиёт тақомилини бошлаб берган эди. Ўзингга мос янги ижод йўлларингни катта адабиётимизнинг порлоқ чироклари ёритиб турибди. Ана шу йўлдан адашма, адабиётга умрингни бағишла.

Эзгу ният билан оқ йўл тилайман, Саид Камол ўғлим!

Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири.

Ватан нима асли?

Ватан нима асли? У нурли қалъа,
Ёшлиқда ўйноқлаб юрган кенг дала.

Ватан нима асли? Ойдин кечалар,
Ялангоёқ чопиб юрган кўчалар.

Ватан нима асли? Ота маконим,
Қалдирғочлар уя қурган айвоним.

Ватан нима асли? Дарёлар, тоғлар,
Меҳр ва муҳаббат бўй чўзган боғлар.

Ватан нима асли? Ям-яшил ўтлоқ,
Бобожоним ётган муқаддас тупроқ.

Ватан нима асли? Улғайтган бешик,
Онам айтган алла — сўнги йўқ қўшиқ.

Муҳаммад Юсуфни хотирлаб

Яна баҳор келди, очилди гуллар,
Янги руҳ бағишлаб ҳар тирик жонга.
Барчамизни элтар бу нурли йўллар,
Устознинг барҳаёт уйи томонга.
Ариқлар лабида ялғизлар титроқ,
Сизни соғинмоқда лолақизгалдоқ.

Фахр-у шараф ила сўзлар эдингиз,
Элга борингизни эдингиз инъом.
Фақат яхшиликни кўзлар эдингиз,
Шу сабабдан қолди сиздан яхши ном.
Маънос кўзларида ёши беадоқ,
Сизни соғинмоқда лолақизгалдоқ.

Алвон гиламларга тўлиб кетди ер,
Жами гуллар келди сизни кўргани.
Лола бағрин доғлаб элдан сўраб дер:
“Муҳаммадим қани, чин шоир қани?”
Қабрингиз устида ёниб ол байроқ —
Сизни соғинадир лолақизгалдоқ.

Кўнги

Муҳаббатдан кўнгим қолди,
Бевафолар бисёр экан.
Севгим ўрнин нафрат олди,
Ёр билганим агёр экан.

Дил огриди кўнгили бериб,
Жуда қаттиқ куйди юрак.
Нима қилай, келиб-келиб,
Бевафони суйди юрак.

Чин дилимдан севган эдим
Ёр илмади парвойига.
Муҳаббатдан мен панд едим,
Сигмадим ишқ саройига.

Кўз олдидан кетмас ҳамон,
Қош қоқиш-у, кўзлар сузиш,

Наҳот бўлса шунча осон,
Кўнгили бериб, кўнгили узмиш.

Ўртанади тинмай кўксим
Юрагимда алам қолди.
Менинг билан содиқ дўстим —
Қогоз билан қалам қолди.

Йиғлама

Йиғлама, қалбимнинг ёлғизи,
Мен энди ортимга қайтмайман.
Сўнди-ку бахтимнинг юлдузи,
“Севаман” деб асло айтмайман.

Йиғлама, қалбимнинг ёлғизи,
Юрагим забт этди қайғулар.
Куриди севгимиз илдиизи,
Хор бўлди покиза туйғулар.

Йиғлама, қалбимнинг ёлғизи,
Юракдан борингни олиб кет.
Эслаб юр кеча-ю, кундузи,
Йиғлама, сен фақат кулиб кет!

Тўртликлар

Азим дарахтларни қулатган бўрон,
Юрак гардларини учиролмайди.
Лек муштипар онам бир бор қулган он,
Кўнгилда заррача ғубор қолмайди.

Сен ўзгага кетдинг. Дилим қийноқда,
Минг битта бўлакка бўлинди кўнгим.
Юзимда порлаган табассум сохта,
Юрак ўқиб йиғлар... Забон эса жим...

Барпо бўлсин бизга бахтнинг биноси,
Бормикан дунёда бўсанг баҳоси.
Берган азобларинг чунон бисёр,
Боқий бирга бўлсак не бўлса эди.

Саид КАМОЛ.

► Мутлола

Ёшларга тарихимиз, бой илмий ме-росларимиз ҳақида гувоҳлик берувчи асарларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда нашр этилган “Хоразм немислари” китоби ҳам тарихий далиллардан гувоҳлик беради.

“Хоразм немислари” — тақдирлардан сўзлайди

Нур Аҳмад томонидан ёзилган ушбу китоб немис миллатига мансуб аҳолининг Хоразм зами-нига келиб қолиш тақдирига бағишланган. Хива хонлиги тарихида немислар билан боғлиқ воқеликлар бор. Асарда немис миллатига мансуб аҳолининг Хоразмга келиб истиқомат қилиши, уларнинг Хива хонлигида маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган ўзгаришлардаги ўрни акс этган.

диокомпаниясида ўтказилган “Хоразм немислари” китобининг тақдими-тида иштирокчилар ушбу асарнинг мазмун-моҳия-ти, китоб номи билан боғлиқ воқеликлар ҳақида гапирдилар. Мазкур тарихий асар-нинг яратилиши китоб жавонларини тўлдирибгина қолмасдан ёшларни тарихимизни билишга ундайди, уларга яқин ўтмишимиз ҳақида аниқ маълумотлар беради.

Шухрат КУРЯЗОВ.

► Сочмалар

Яхшилик ўчмайди

Адолат байроғи қалба ҳилпирасагина адо-лат юзага чиққан бўлади.

Эрмайдиган қор осмондан эмас, қовоқдан ёғди.

Яхшилик хотирадан, ёмонлик эса юракдан ўчмайди.

Ақл ўргатилади, ақлсизлик эса кўрсатилади.

Ҳайратдан ёқангни ушласанг ушла, аммо хасратдан ёқангни биров ушламасин.

Мақсад ва натижа: ер жангида икки қўшни ер таллашиб, бир-бирини ер тишлашди.

Шухрат РЎЗИЕВ.

► Дийдор

Қадим Фарғонага кириб келганимизда, оқшом чўкиб, шаҳар юлдузлар каби сонсиз чироқ нурларидан ёп-ёруғ эди. Гулларга бурканган аэропортдан ўтиб, бироз юргач, автоуловни тўхтатиб, Саткай йўлини бир гуруҳ ёшлардан сўралдим.

Кўнги қалдирғочлари

— Адашмасанг, тоға, орқа-га қайтиб иккинчи чирокдан ўннга бурилсанг, ана ўша сиз сўраган йўл, — деди муло-йим овозда баланд бўйли ўспирлардан бири.

— Раҳмат ўғлим, дедим-да, ортга қайтдим. Бир зум ўтмай биз кўзлаган янги ма-ҳалла, бир қаватли, лекин жуда кўркам уйлар бошлан-ди. Аёлим: ҳа, топдик, деди чиройи очилиб. Олдида олма дарахти ва гуллар яшнаётган олтинчи уй кўнгиригини бо-сак, ҳеч ким жавоб бермади. Аёлим уяли телефонидан жияни Кўшбекка кўнгирик қилди.

— Хозир Олтиариқдан чиқ-дик, ўн беш дақиқаларда бо-рамиз, — деди хижолат охан-гида Кўшбек.

Ёруғ хаёллар оғушида эдим. Бир пайт аёлим: ана келиш-ди, деди овози порлаб. Ёш оила уэр сўраб, келишимиз-дан олдин кўнгирик қилмасанг-лар-да, — дея уйига бошлади.

Ховлида чироқ нуридан дарахтзорлар яшнаб, бир жозибали манзара бахш этди. Болалар пилдирагани-ча ичкарига чопишди. Би-рин-кетин биз ҳам уйга кир-дик. Апил-тапил ёзилган да-с-турхон атрофида: юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, ёшлар униб-ўсаверсин, дея дуога қўл олдиқ. Дастурхон-га ширинликлар, мөва-чева-лар тортилган, чой ичиб, ёшлар билан суҳбат курдик.

Тадбиркор кадрдонимиз Кўшбек Тошматов банкдан кредит олиб «Қизилтепа» си-хатгоҳида минерал сув заво-ди очганини, 38 нафар ёш ишбилармон йигитлар водий аҳлига минерал сув етказиб беришга ташаббуси билан ав-валлик билан суҳбат курдик.

Тадбиркор кадрдонимиз Кўшбек Тошматов банкдан кредит олиб «Қизилтепа» си-хатгоҳида минерал сув заво-ди очганини, 38 нафар ёш ишбилармон йигитлар водий аҳлига минерал сув етказиб беришга ташаббуси билан ав-валлик билан суҳбат курдик.

Тўрт киз, бир ўғлининг онаси Кўшбекнинг умр йўлдузи Нигорахон мактаб-да ўқитувчи эканидан мам-нун. Ёшларнинг ҳаётдан кўнгиллари чоғлиги бизни

ҳам шодлантирди. Нечун ҳаётдан норози бўлишин?! Барча шарт-шароитлар: сув, газ, чироқ, хуллас, ҳамма кулайликларга эга уйлари бор бўлса, яна кредитга олишган бўлишса, иш жойи, боғча-мактаб чорлаб турса!

Кўшбек иккимиз эрта тонг тўйга боришни кўнги-лга тугиб, уйкуга кетдик. Кўзимни очсам, вақт ҳали тўрт ҳам бўлган йўк, бироқ ташқари анча ёришган эди. Аста эшикка (эшик водийда ховли маъносини англатади) чиқдим. Охишта боғ атрофи-ни айландим. Энди мевага кирган ўрик, шафтоли, олма, нокда ҳам ҳосил яхши. Ёшлар ўз кўли билан экан дарахт-лар дуркун. Халинчақ — ўри-ниқда тебраниб, қушлар сай-рашини тингладим. Бошим узра қалдирғочлар чарх уриб, ҳаётдан шодон учиб-ди эди. Йўлхалтамда ҳали ўкиб тугатолмаган «Бобурийнома» китоби бор эди. Уни ўқишга чоғланаётсам, Кўшбек салом бериб, тўйга эртароқ борга-нимиз маъқул. Сиз каттасиз, келинг-келинг деб, меҳмон-ларни кутиб олувчилар кат-орида турасиз, деб мени етак-лади.

Тўйларимиз файзлида, кўпчиликини кўрасан, қарин-дош-уруғлар билан дийдор-лашасан. Узоқ вақт кўришма-ганларинг бўлса, суҳбатла-шиб кўнгилингни очасан, ди-линг енгил тортади. Наҳорги ош дастурхонига дуо қилиб, энди кўзгаламиз деб турсак, эски танишим, Тожкентда қарбийда ишлаб Фарғонага қайтган Шокиржон ёнимга келиб ўтирди. У дастлаб кўп каватли уйда, хозир ховли қуриб оила аъзолари билан бекаму-кўст яшаётганлигини айтиб, уйига таклиф этди.

— Қайнотам ўзингиз яхши билган колхознинг собиқ ра-иси Хайдарали ота 83 ёшни қоралапти. Хожи ота Кува-



да маҳалла фаолларидан. Ўғиллари Раваҳанбек Қурбонов кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди. Яқинда у Кува тумани ҳокими этиб тайинланди.

— Ҳа, анча йиллардан буён Кувага ҳоким бошқа жойлар-дан келар эди. Яхши бўлиб-ди Куванинг ўзидан ҳоким чиққани. Ўзидан чиққан раҳ-бар шу жойнинг паст-балан-дини яхши билади. Нима бўлса ҳам юртим, элим деб яшайди, — дедим. Сўнгра ёшларга ёруғ тилақлар бил-дириб кўзгалдик. Тўйхондан кечки базмгача руҳсат сўраб, фалсафа фанлари доктори, Фарғона университети док-торанти, шоир Қаҳроржон Йўлчиев хонадонига ўтиб, у кишининг яқинда оламдан ўтган онасига фотиҳа ўқиш учун Кўшбек етакчилигида йўлга чиқдик. Манзилга етгач, ташқарида — дарахтлар со-сида ўтириб Қуръон тиловат қилдик. Кўнгили сўрадик.

— Энди, ҳали кўпчиликка айтганимча йўғу, сизга кўрсатсам, бир буш қолган қорхонанинг жойини сотиб олдим, — дея шайх оралаб мени ховлига ўшаш бинога етаклади Кўшбек. Дарвоза-дан кирсак, боғ ховли. Бахай-бат бино қўйни хувулаб ту-рибди. Шу жойда гулли қоғоз ишлаб чиқарадиган цех қур-моқчиман, деди Кўшбек хиёл ўйчан.

— Тўғри уйлабсиз, гул қоғоз янги куриляётган уй-ларга ҳам, эскиларига ҳам сув ва ҳаводек зарур. — дей-ман ўзим бу борда бирор тузукроқ тушунчага эга бўлмасам-да, уни кўнлаб-қув-ватлаган бўлиб.

Кўшбекнинг самими йи-гит эканлиги учун яна бир кун Фарғонада — унинг хонадо-нида меҳмон бўлдик. Эртаси нонушадан сўнг Кўшбек бизни Кува йўлига солиб кўйди. Фарғонадан чиқар эканмиз, Ўзбекистон халқ шоирлари Охунжон Ҳақимов,

босиқ оҳангда. — Икки фар-зандни катта қилаётган аёлим ҳам мактабда адаби-ётдан дарс беради. Ишдан сўнг мол-хол, товук дегандек Тагин деҳқончилик. Ота-она-миз шу кунларда хорижда дам олишдалар. Келишса, уларнинг фотиҳаси билан янги уйга кўчиш ҳаракатида-миз. — Ҳа, ҳаракатдан бара-кат дейман ҳавасим ортиб.

— Қишлоғимизда биз каби ҳаракатчан ёшлар кўп. Бири фермер, яна бири тад-биркор, қайсидир бири уйи-да устахона очиб эшик-дера-за, сури ясаса, бошқаси ма-шина тузатиш устахонаси қуриб, эл хизматидалар. Қиз-жувонлар бўлса, чеварчилик қилиб кун кечирешаётир. Қимирлаган қир ошар деган-ларидек, кишлоқ аҳли меҳнат билан банд...

Қишлоққа келсанг автоулов яхшида. Бир зумда ҳаммаёқ-ни айланиб чиқасан, дейман ичимда ўзимга-ўзим. Бола-лигим кечган ота-онам ўтган ховлида укамнинг аёли, яъни келинимиз юзи-кўзида та-бассум, келганимиздан хур-санд улар. Ҳовлимиздаги отам эккан қари ёнғок ости-даги ёғоч сўрига дастурхон ёзилгач, ота-онам ва хонадо-нимиздан ўтганлар руҳига дуо-фотиҳа ўқидим. Сўнг кўни-кўшнини кўриш баҳона-ми билан кўчага чиқдим. Шун-доқ нарида эски гишт заво-ди нураб ётибди. Барча ус-куналари талон-тарож этил-ган. Завод атрофлари тупроқ олинаверганидан ўйим-чу-қур. Қўлмак сувда камши, кўвғалар ўйиб, бақалар ма-қонига айланбди. Ҳар ер, ҳар ерда кўй-моллар... Бола-лар атрофида. Айримлари ялонғоч қўлмак сувда чўми-лашаётир. Болалар касал бўлмасмикин, дейман хаво-тирим ошиб.

Мухтарам Президентимиз бундоқ ташландик, эгасиз жойлардан фойдаланиш ҳақида жон куйдирса-ю, шун-доқ маҳалланинг ўртасида харобазор пайдо бўлса?! Янги ҳоким яқинда иш бош-лабди. Ажаб эмас, бу жой-ларга ҳам қадами етса.

Шундай қилиб, кадрдон дўстларим таклифига кўра, водийга тўйга бориб, шу ба-ҳона болалигим ўтган кадрдон гўшаларда ҳам бўлиб, дилим яйраб, элдошларимиз билан дийдорлашиб қайтдим. Кўн-гил ёруғ таассуротлар билан янада чароғон бўлди.

Турсун АЛИ, шоир.

▶ Талқин

Шарқ ҳамиша сайёҳларнинг ҳайрати ва меҳрига сазовор бўлгани тарихдан маълум. Хусусан, машҳур жаҳонгашта сайёҳ, Испания элчиси Клавихо 1404 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида Амир Темурнинг Дилкушо боғида бўлганида беҳад ҳайратга тушган экан. Чунки у бу ердаги миллий меъморчилик ва сувсозлик санъатининг гўзал намуналари бўлган фаввораларни аввал ҳеч қаерда учратмаган эди. Кейинчалик Клавихо ўз таассуротларини кундаликларида қуйидагича баён этган: "Подшоҳ махсус қурилган баланд ўриндиқда ўлтирар ва унинг олдида суви тепага отилиб турган фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди".

Клавихони ҳайратлантирган манзара

Аслида машҳур сайёҳ бежизга ажабланмаган. Чунки XIV-XV асрларда юртимизда урф бўлган фавворалар ҳали Европа халқлари учун нотаниш эди. Қадимий фаввораларни Алишер Навоий асарлари ва "Бобурнома"га ишланган миниатюраларда ҳам кўриш мумкин. Ўз даврида фавворалар ейсимон, тўртбурчак шаклларда бўлиб, анвоий гуллар уларга янада кўркамлик бахш этган. Махсус тайёрланган сопол қувурлар орқали келиб, отилиб чиққан сув ҳовузчаларга тушиб, яна ёпиқ ариқлар

орқали чиқиб кетган. Мураккаб муҳандислик-қурилиш ечими асосида бунёд этиладиган фавворалар ажодларимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, меъморчилик санъати нақадар юксак бўлганлигидан далолатдир.

Бугунги кунда эса фавворалар нафақат шаҳар кўрки, балки ёзининг жазирама кунларида дилхуш гўшаларга айланган. Айтайлик, пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри олдидаги "Санъат" фаввораси 1947 йилда, Як-

касарой тумани Шароф Рашидов кўчасидаги "Мовий гумбаз" фаввораси эса 1970 йилда қурилган. Мустақиллик йилларида эса пойтахтимизда кўплаб фавворалар бунёд этилди. Уларни назорат қилиш ва тизимли ишлатиш мақсадида 2010 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан "Тошкент фаввораси" давлат унитар корхонаси ташкил этилган.

— Бугунги кунда пойтахтимизда 117 та фаввора мавжуд, — дейди "Тошкент фаввораси" ДУК раҳбари Азамат Ахунжон-

нов. — Корхона асосан ўз балансидаги фаввораларнинг мавжудларини таъминлаш, янгиларини ишга тушириш ва уларни назорат қилиш билан шуғулланади.

Жорий йилнинг 16 январида Тошкент шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳридаги фавворалар ҳолатини яхшилаш ва реконструкция қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, "Тошкент фаввораси" давлат унитар корхонаси балансидаги фаввораларни капитал таъмирлаш, ободонлаштириш ва реконструкция қилиш белгиланган эди. Бугунги кунда пойтахтимиздаги фавворалар пойтахт аҳли, меҳмонлари билан ҳамиша гавжум. Айниқса, кечки сайр пайти гўшалар болажон-

ларнинг шўх кулгуларига тўлиб кетади.

— Ҳозирги иссиқ кунларда бундай фавворалар жонимизга оро кирмоқда, — дейди тошкентлик Сайдали ота Эрнараров. — Ҳар кун оқшом пайти невараларимни етаклаб фавворалар сайлига чиқамиз. Шундай хушманзара жойлар янада кўпайиши тарафдоримиз, албатта.

Ҳа, ҳар фаслнинг ўз зийнати, фазилати бўлганидек, ёзининг ҳам ўзгача гашти бор. Демак, гўзал юртимизнинг кўркига кўрк бағишлаб турган фавворалар нафақат чирой, гўзаллик намунаси, балки шу билан бир қаторда оромбахш мажмуалардир.

Машхура СУЛТОНОВА.



А.Абдуллаев фотоси.

▶ Муборак каломлар

"Бировга душманлик кайфиятида юрмоқ гуноҳдир"

Абу Ҳурайрининг ривоят этишича, ҳазрат Набий (саллоллоҳу алайҳи васаллам) шундоқ деганлар: "Олувчи ва сотувчи савдони битиргач, бир-бирларидан рози бўлиб кетсинлар".

Анас (ибн Молик)нинг ривоят этишича, ҳазрат Набий (саллоллоҳу алайҳи васаллам) бир кекса одамни икки тарафидан икки йўли суяб, пийда кетаётганини кўрдилар. Расулуллоҳ: "Бу нима учун?" деб сўрадилар. Улар: "Ё Расулуллоҳ! Бу кекса киши ҳажга пийда боришни назр қилган эди", дедилар.

Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам): "Оллоҳ таоло бу кишининг йўзини азобга солишига мухтож эмас, буюринглар, бирон уловга миниб олсин", дедилар.

Ибн Аббос шундай ривоят қилади: "ҳазрат Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) ҳайвонларни бир-бири билан уриштиришдан қайтардилар".

Абу Жуҳайфа ривоят қилишича, Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам): "Мен ёнбошлаб ётиб таом емайман", деганлар.

Ибн Аббоснинг айтишича, Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам): "Бировга душманлик кайфиятида юрмоқ гуноҳдир", деганлар.

Абу Исо ТЕРМИЗИЙнинг "Саҳиҳи Термизий" китобидан.

Реклама

SQB

**OSON
OMONATI**

71 200-43-43

www.uzpsb.uz

@sqbuz

Хизматлар лицензияланган.

HURRIYAT



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлари
ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳда

Таҳририятга келган
хатлар доимий
эйтиборимизда бўлади.
Мақтубларингизни
кутамыз.

Адади: 4005
Буюртма — V-3654
1 2 3 4 5

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими:
(0-371) 244-32-88

Тошйириш вақти — 20"
Тошйирилди — 20"

Обуна индекси:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун —
233

Манзилими: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайн А.Содиқов томонидан соҳифаланди.

Навбатчи: Х.Файзиёва. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

"O'zbekiston" НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.